# XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 1 352,1 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 27,1 минг кишига ёки 102,0 фоизга кўпайди. Шундан, 634,3 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 46,9 фоизи) ва 717,8 минг киши – қишлоқ жойларида (53,1 фоизи) истиқомат қилади.

**Жиззах вилоятининг ҳудудлари**
**бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот**
*(2019 йилнинг 1 январь ҳолатига)*

| | *Доимий аҳоли сони, минг киши* | | | *Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда* | | | *Доимий аҳоли сонининг вилоятда улуши, фоизда* | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | *жами* | *шу жумладан:* | | *жами* | *шу жумладан:* | | *жами* | *шу жумладан:* | |
| | | *шаҳар* | *қишлоқ* | | *шаҳар* | *қишлоқ* | | *шаҳар* | *қишлоқ* |
| **Жиззах вилояти** | **1 352,1** | **634,3** | **717,8** | **102,0** | **101,9** | **102,1** | **100,0** | **46,9** | **53,1** |
| *шаҳар:* | | | | | | | | | |
| Жиззах | 174,6 | 174,6 | 0,0 | 101,7 | 101,7 | 0,0 | 12,9 | 100,0 | 0,0 |
| *туманлар:* | | | | | | | | | |
| Арнасой | 45,2 | 15,5 | 29,7 | 101,6 | 101,3 | 101,7 | 3,3 | 34,3 | 65,7 |
| Бахмал | 152,5 | 41,2 | 111,3 | 102,1 | 102,2 | 102,1 | 11,3 | 27,0 | 73,0 |
| Ғаллаорол | 167,7 | 59,3 | 108,4 | 101,9 | 101,7 | 102,1 | 12,4 | 35,4 | 64,6 |
| Ш.Рашидов | 213,9 | 85,5 | 128,4 | 102,9 | 102,6 | 103,1 | 15,8 | 40,0 | 60,0 |
| Дўстлик | 64,2 | 27,3 | 36,9 | 101,7 | 101,9 | 101,7 | 4,7 | 42,5 | 57,5 |
| Зомин | 159,9 | 75,9 | 84,0 | 102,2 | 102,2 | 102,2 | 11,8 | 47,5 | 52,5 |
| Зарбдор | 83,6 | 46,5 | 37,1 | 102,2 | 102,2 | 102,2 | 6,2 | 55,6 | 44,4 |
| Зафаробод | 48,8 | 22,3 | 26,5 | 101,7 | 101,8 | 101,5 | 3,6 | 45,7 | 54,3 |
| Мирзачўл | 50,4 | 28,0 | 22,4 | 102,2 | 102,6 | 101,8 | 3,7 | 55,6 | 44,4 |
| Пахтакор | 72,8 | 35,6 | 37,2 | 101,5 | 101,1 | 101,9 | 5,4 | 48,9 | 51,1 |
| Фориш | 90,9 | 16,8 | 74,1 | 101,5 | 101,2 | 101,5 | 6,7 | 18,5 | 81,5 |
| Янгиобод | 27,6 | 5,8 | 21,8 | 101,5 | 101,8 | 101,4 | 2,0 | 21,0 | 79,0 |

**Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**

*(2019 йил 1 январь холатига)*




**Январь-декабрида вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари**

| *Кўрсаткичлар* | *Киши сони* | | *1000 аҳолига нисбатан* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2017 йил* | *2018 йил* | *2017 йил* | *2018 йил* |
| Туғилганлар | 30 984 | 33 774 | 23,6 | 25,2 |
| Ўлганлар | 5 760 | 5 562 | 4,4 | 4,2 |
| *шу жумладан:* | | | | |
| бир ёшгача болалар | 245 | 330 | 13,7 | 10,3 |
| Никоҳлар, мингта | 1 121 | 13 967 | 9,9 | 10,4 |
| Ажралишлар, мингта | 9 339 | 1 098 | 0,9 | 0,8 |

**Туғилиш.** 2018 йилнинг январь-декабрида туғилганлар сони 33 774 кишини ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига (30 984 киши) нисбатан 2 790 кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 25,2 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли кўпайиши Жиззах шаҳри (18,8 промилледан 22,2 промиллегача), Бахмал (26,4 промилледан 28,9 промиллегача), Зомин (25,7 промилледан 27,9 промиллегача) Зарбдор (25,7 промилледан 26,4 промиллегача), Пахтакор (23,0 промилледан 23,9 промиллегача) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Худудлар кесимида тугилганлар сони ва коэффициенти**

*2018 йилнинг январь-декабрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*




**Ўлим.** 2018 йилнинг январь-декабрида ўлганлар сони 5 562 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (5 760 киши) нисбатан -198 кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,2 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-декабрида 4,4 промилле бўлган).

Ўлим коэффициентининг сезиларли ўсиши Арнасой (3,2 дан, 3 промиллегача), Дўстлик (3,7 дан 3,9 промиллегача), Янгиобод (4,4 дан 5,3 промиллегача), ҳиссасига тўғри келади.

Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Бахмал (4,2 промилле), Шароф Рашидов (4,1 промилле) ва Зафаробод (3,4 промилле) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Худудлар кесимида ўлганлар сони ва коэффициенти**

*2018 йилнинг январь-декабрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*




Ўлганлар умумий сонидан 53,2 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 9,7 фоизи – ўсма касалликларидан, 9,6 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш

ва жароҳатлардан, 5,9 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,0 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,5 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 15,1 фоизи – бошқа касаликлардан вафот этган.

**Асосий ўлим сабаблари бўйича вафот этганларнинг тақсимланиши**
***(жами вафот этганларга нисбатан, % да)***




Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ҳолатига 7 та оналар ўлими рўйхатга олинган ва оналар ўлими коэффициенти 20,7 промиллени (100 минг тирик туғилганга нисбатан) ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрида бир ёшгача 330 та болалар ўлими қайд этилган. Гўдаклар ўлими коэффициенти 10,3 промиллени (2017 йил январь-декабрида 13,5 промилле бўлган) ташкил қилди.

Гўдаклар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Арнасой 12,1 (1 000 тирик туғилганга нисбатан), Зарбдор 12,5, Мирзачўл 10,5 Дўстлик 15,7, Пахтакор 12,0 туманлари ва Жиззах шаҳри 17,5 ҳиссасига тўғри келади.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 54,5 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 25,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 6,7 фоизи – туғма аномалиялардан, 1,5 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 3,9 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан,

2,1 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 6,1 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар**. 2018 йилнинг январь-декабрида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 13 967 та никоҳлар ва 1 098 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган, 1 000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 10,4 (2017 йилнинг январь-декабрида 9,9 бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,8 ни (2017 йилнинг январь-декабрида 0,9 бўлган) ташкил этган.

**2018 йилнинг январь-декабрь ойида тузилган никоҳ коэффициенти**




Тузилган ниқохлар сони 2017 йилнинг мос даврига нисбатан барча худудларда камайиш кузатилган бўлиб ассосан энг юқори камайиш суръати Дўстлик (101,8 %), Зомин (100,7 %) туманларига тўгри келмоқда.

## Январь-декабрда тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

*(минг бирликда)*

| | *Тузилган никоҳлар* | | *Никоҳдан ажралишлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2017 й.* | *2018 й.* | *2017 й.* | *2018 й.* |
| **Жиззах вилояти** | **13 060** | **13 967** | **1 121** | **1 098** |
| *шаҳар:* | | | | |
| Жиззах | 1 489 | 1 630 | 206 | 202 |
| *туманлар:* | | | | |
| Арнасой | 415 | 424 | 45 | 28 |
| Бахмал | 1 701 | 1 751 | 88 | 110 |
| Ғаллаорол | 1 757 | 1 946 | 151 | 152 |
| Шароф Рашидов | 2 051 | 2 147 | 142 | 142 |
| Дўстлик | 613 | 624 | 78 | 68 |
| Зомин | 1 836 | 1 848 | 135 | 144 |
| Зарбдор | 761 | 841 | 52 | 61 |
| Зафаробод | 405 | 448 | 39 | 32 |
| Мирзачўл | 409 | 424 | 41 | 36 |
| Пахтакор | 648 | 814 | 62 | 47 |
| Фориш | 726 | 804 | 63 | 45 |
| Янгиобод | 249 | 266 | 19 | 31 |

**Худудлар кесимида никохдан ажрашганлар сони ва коэффициенти**
*(2018 йил январь-декабрь)*




Ажримлар сони 2017 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръати Бахмал (125,0 %), Янгиобод (163,2 %) ва Зарбдор (117,3 %) туманларига тугри келмоқда

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 11 055 киши, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 12 100 киши ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус 1 045 киши ташкил этган, 2017 йилнинг мос даврида минус 1 191 киши бўлган.

## Январь-сентябрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари

*(киши)*

| | *Келганлар* | | *Кетганлар* | | *Миграция сальдоси* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2017й.* | *2018й.* | *2017й.* | *2018й.* | *2017й.* | *2018й.* |
| **Жиззах вилояти** | **9 339** | **11 055** | **10 530** | **12 100** | **-1 191** | **-1 045** |
| *шаҳар:* | | | | | | |
| Жиззах | 1 547 | 1 919 | 1 898 | 2 177 | -351 | -258 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Арнасой | 449 | 511 | 645 | 708 | -196 | -197 |
| Бахмал | 921 | 671 | 1 084 | 1 242 | -163 | -571 |
| Ғаллаорол | 521 | 768 | 967 | 1 022 | -446 | -254 |
| Шароф Рашидов | 1 776 | 2 667 | 1 100 | 1 471 | 676 | 11 96 |
| Дўстлик | 650 | 736 | 750 | 859 | -100 | -123 |
| Зомин | 394 | 550 | 903 | 864 | -509 | -314 |
| Зарбдор | 672 | 662 | 579 | 693 | 93 | -31 |
| Зафаробод | 508 | 537 | 529 | 607 | -21 | -70 |
| Мирзачўл | 810 | 837 | 441 | 529 | 369 | 308 |
| Пахтакор | 525 | 587 | 696 | 905 | -171 | -318 |
| Фориш | 461 | 480 | 697 | 802 | -236 | -322 |
| Янгиобод | 105 | 130 | 241 | 221 | -136 | -91 |

Миграция сальдосининг юқори даражаси Зомин (минус 314 киши), Ғаллаорол (минус 254), Бахмал (минус 571), туманларида ва Жиззах шаҳрида (минус 258) қайд этилди. Миграциянинг ижобий сальдоси Мирзачўл (плюс 308 киши) ва Шароф Рашидов (плюс 1 196 минг киши) туманларида кузатилди.

# XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

**2018 йил январь-декабрь ойларида Жиззах вилояти бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи миқдори**
*(дастлабки маълумот)*

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2018 йил январ-декабрь ойларида Жиззах вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **1 543,8 минг сўм**ни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этди.

**Тармоқлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи**
(2018 йил январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

| | **Ўртача ойлик иш ҳақи,** *минг сўм* |
|---|---|
| **Жиззах вилояти бўйича – жами** | **1 538,9** |
| *шу жумладан:* | |
| Саноат | 1 821,6 |
| Қурилиш | 1 739,1 |
| Савдо | 2 162,6 |
| Ташиш ва сақлаш | 1 436,8 |
| Ахборот ва алоқа | 1 902,9 |
| Молиявий ва суғурта фаолияти | 2 935,5 |
| Таълим | 1 462,3 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1 257,1 |
| Бошқа фаолият турлари | 1 543,7 |

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят туманлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Жиззах шаҳрида 1 914,8 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 124,0 %), Зарбдор тумани 1 515,7 минг сўмни (91,5 %) ва Шароф Рашидов туманида 1 442,4 минг сўмни (91,5 %) ташкил этган бўлса, Фориш туманида 1 202,6 минг сўмни (77,9 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**

*(2018 йил январь-декабрь, минг сўмда)*




**Ҳудудларнинг ўртача иш ҳақи вилоятнинг ўртача иш ҳақига нисбатан ўсиши фоизда**

*(2018 йил январь-декабрь, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)*




**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2018 йил январь-декабрь ойларида 502 минг сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.